

Мавзу. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни дастурлаш, прогнозлаштириш ва режалаштириш

1

- Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни дастурлаш ва прогнозлаштиришнинг зарурлиги ва аҳамияти

2

- Ижтимоий ривожланишни прогнозлаштириш тизими

3

- 2021 йил I ярим йиллик учун Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти ва ривожланишининг тенденциялари шарҳи

Прогноз – бу

- **Прогноз** юнонча сўзидан олинган бўлиб, олдиндан кўра билиш, башорат этиш маъноларни англатиб, келажакни илмий усуллар орқали истиқболлаш тушунилади.

Прогноз - бу истиқболдаги воқеа, ҳодисаларнинг илмий модели ҳисобланади, яъни келажакда объектнинг эҳтимолий ҳолати ҳақида ёки бу ҳолатга эришишнинг муддатлари ва альтернатив йўллари ҳақида илмий асосланган фикрлар, мулоҳазалар.

Прогнозлаштириш деганда прогнозни ишлаб чиқиш, яъни маълум бир жараённинг ривожланиш аниқ келажагини махсус илмий тадқиқ этишдир. Прогнозлаштириш прогнозни ишлаб чиқиш жараёни.

- Прогнознинг ахборот базаси бўлиб ҳисоботлар (аҳолининг табиий ва механик ҳаракатларининг жорий ҳисоботи) ва махсус ташкил этилган статистик кузатувлар (перепислар, махсус танлама ижтимоий-демографик тадқиқотлар, аҳолининг турли рўйхат ва картотекалари) ҳисобланади.

Бошқарув тизимида прогноз қўйидаги муҳим вазифаларни бажарилишини таъминлайди:

- мақсадларни аниқлаш ва прогноз қилинаётган объектнинг ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш;
- прогноз қилинаётган объект ривожланиши мумкин бўлган ҳар бир вариантларни реализациясини ижтимоий ва иқтисодий натижаларини баҳолаш;
- прогноз қилинаётган объект ривожланиш мумкин бўлган вариантларни ҳар бирини таъминлаш учун керак бўлган чора-тадбирларни аниқлаш;
- чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш учун керак бўладиган ресурсларни баҳолаш.

Бошқариш тизимида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогнозлаш ва вазифаларининг турли-туманлиги прогнозни куришни методлари ва ҳар хил системаларини қўлланилишини талаб этади. Ҳар бир прогноз керакли информациянинг олиниши, унинг ишончилиги асосланган, баҳоланган, қайта ишланиши натижасида пайдо бўлади. Прогноз ишлаб чиқиш учун қандай маълумотларни олиш – информация ташувчининг танловига, уни олиш усуллариغا, таҳлил қилинаётган объект ривожланишини баҳоловчи махсус ҳисоб-китобларга боғлиқ.

Амалиётда прогнозларни ишлаб чиқишни 130 хил методлари мавжуд. ижтимоий-иктисодий жараёнларни прогнозлашда шартли равишда методларини 3 хил муҳим гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 1.Экстраполяция методи.
- 2. Прогнозлашни эксперт методи.
- 3. Моделлаштириш методи.

Прогнозлашда кўпинча чизиқли, экспоненциал, даражали, логарифмик ва бошқа функциялари қўлланилади.

Прогнозлаш методлари: сифатли методлар ва миқдорий методлардан иборат.

Миқдорий методлар ўз навбатида каузал ҳамда вақтли қаторлар анализига бўлинади.

Прогностика фан сифатида XX асрнинг 70-80 йилларда шаклланиб, адабиётларда “футурология” термин сифатида намоён бўлган.

“Ижтимоий-иктисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаштириш” фан сифатида меҳнат ресурсларининг ривожланишини, унинг босқич ва қонуниятларини умумий тамойил ва усуллари асосида прогнозини, уни ишлаб чиқилишини ўрганади.

“Ижтимоий-иктисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаштириш” асосларини билиш мутахассисга рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ўрганишга абстракциялашган ҳолда ва асосли равишда ёндашиш, прогнозлаш жараёнида юзага келадиган ҳолатларни тушунтириш ва аҳамиятини баҳолаш имконини беради.

2. Ijtimoiy rivojlanishni prognozashtirish tizimi

Asosiy iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanish darajalari aholining turmush darajasi orqali ifodalanadi, bu tushuncha o'zida kishining ham moddiy, ham manaviy jihatdan qoniqishi tushuniladi.

Jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini prognozlashning asosiy ajralmas qismi bu istemol hajmi harakatini baholash va ilmiy texnik taraqqiyotining o'rnini aniqlashdir.

Istemolning o'sishini tahlil qilish aholi turmush darajasini belgilovchi asosiy omillardan biri bo'lib hisoblanadi. Aholi istemoli tarkibidan kelib chiqib, ularga ta'sir ko'rsatuvchi omillarni aniqlash, omillar va istemolning o'zaro ta'siri sabab-oqibatlarini aniqlash, hozirgacha bo'lgan davr mobaynida istemol tarkibining o'zgarishi sabablarini tahlil qilish, prognoz qilinadigan asosiy ko'rsatkichlarni aniqlashda mamlakatning ijtimoiy rivojlanishi va aholi turmush darajasida katta o'rin egallaydi.

Ijtimoiy rivojlanishni prognozashtirish tizimi

Bu sohani prognozashtirishning asosiy vazifasi avvalo kelajakda aholi istemolini aniqlash va ularni qondirish imkoniyatlarini izlashdan iborat. Masalan: yuqori sifatli va turli xil oziq-ovqat mahsulotlari, xizmatlar, uy-joylar va boshqalar.

Qulay sharoitda inson har tomonlama rivojlanar ekan, unga nafaqat moddiy balki manaviy talab ham oshib boradi. Inson rivojlanishi bilan o'z yaxshi ish sharoitini tashkil etishga, tibbiy xizmatlarni va dam olish sharoitlarini yaxshilashga harakat kiladi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida aholi istemolining o'sishini prognozashtirish muhim ahamiyat kasb etadi, chunki bu bilan kelajakdagi istemol hajmining rivojlanish tendensiyasini bilish mumkin.

Ijtimoiy-iqtisodiy sohani ananaviy prognozashtirishda ayrim kamchiliklar bor, chunki mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy modernizatsiya, ilmiy texnik taraqqiyot va boshqa ekzogen omillarni hisobga olish qiyin. SHuning uchun prognozashtirish jarayonida mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va bu sohaga oid dastur va rejalardan kelib chiqib, ularni ta'sirini inobatga olib prognozlash zarur bo'ladi.

Prognozlashni bu tarzda tashkil etish ijtimoiy-iqtisodiy soha rivojlanishi va uni butun mamlakat miqyosida ko'rib chiqish qulay bo'lib hisoblanadi. Bu bilan aholi turmush darajasining holati va uning istiqboldagi natijalari haqida ma'lumotlarga ega bo'lamiz.

Prognozlash usullarning tasnifi



ЯИМ прогнози

Перспективы развития экономики стран Центральной Азии

| реальный рост ВВП, изменение в процентах

	Прогноз			2020
	2026	2022	2021	
 Узбекистан	5,5%	5,3%	5,0%	1,6%
 Казахстан	4,4%	4,0%	3,2%	-2,6%
 Кыргызстан	4,0%	4,6%	6,0%	-8,0%
 Таджикистан	4,0%	4,5%	5,0%	4,5%
 Туркменистан	3,7%	3,9%	4,6%	0,8%

Ranking.kz на основе данных доклада МВФ «Перспективы развития мировой экономики»

Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини ошириш бўйича кейинги режалар

Сўнги рейтинг натижаларига кўра, Ўзбекистон халқаро рейтинглар таснифига кўра, Бизнес юритиш индексида топ 20-талиқ ислохотчимамлакатлар, Иқтисодий эркинлик индексида давлатда иқтисодиёт асосан эркин бўлмаган давлатлар, Инсон камолоти индекси бўйича инсон тараққиёти даражаси юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олди. Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда ўрнини қўйидаги икки йўналиш бўйича изохлаш мумкин: - индикаторлар кўрсаткичининг ўзгариши: Бизнес юритиш индекси таркибидаги 10 та йўналишнинг 9 тасида (тўловга қобилиятсизликни ҳал қилишдан ташқари), Иқтисодий эркинлик индекси таркибидаги (суд фаолияти самарадорлиги кўрсаткичидан ташқари) барча индикаторларда ҳамда Инсон камолоти индекси бўйича умр кўриш давомийлиги индикаторида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ўсишга эришган; - индикаторлар ўрнининг пастлиги: турлари бўйича энг сўнги рейтинг натижаларига кўра, Бизнес юритиш индекси таркибидаги 3 йўналиш (қурилиш учун рўхсатномалар олишда 132-ўрин, халқаро савдода 152-ўрин ва тўловга қобилиятсизликни ҳал қилишда 100-ўрин), Иқтисодий эркинлик индекси таркибидаги 6 йўналиш (суд фаолияти самарадорлигида 123-ўрин, давлат яхлитлигида 142-ўрин, монетар эркинликда 175-ўрин, савдо эркинлигида 129-ўрин, инвестициялар эркинлигида 169-ўрин ва молиявий эркинликда 162-ўрин) ҳамда Инсон камолоти индекси бўйича 3 йўналиш (умр кўриш давомийлигида 117-ўрин, кутилаётган таълим йилларида 128-ўрин ва аҳоли жон бошига ЯМДда 126-ўрин) индикатори жуда паст кўрсаткич сифатида баҳоланган. Охириги тўрт йил давомида барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамлаш борасида кўплаб шу жумладан, халқаро рейтинг ва индексларда ҳам салмоқли ютуқларга эришилди. Бу ютуқларни Ўзбекистон Республикасининг 2011-2020 йиллардаги халқаро рейтинг ва индекслардаги динамикаси орқали кўришимиз мумкин. Юқорида келтирилган графикдан мамлакатимизнинг Бизнес юритиш индекси бўйича 2020 йил 2011 йилга нисбатан 81 та поғонага, Иқтисодий эркинлик индекси бўйича 49 та поғонага ҳамда Инсон камолоти индекси бўйича эса 7 та поғона (2020 йилги рейтинг натижалари 2020 йил декабр ойида эълон қилинишини ҳисобга олиб, 2019 йил якунларига нисбатан олинди)га юқорилаб, бу борада бир қанча ютуқларга эришаётганини кўриш мумкин.

2021 йил I ярим йиллик учун Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ривожланишининг тенденциялари шарҳи

Жорий йилнинг I ярим йиллигида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,2 фоизга ўсди (ўтган йилнинг I ярим йиллигида ўсиш 1,1 фоизни ташкил этган). Хусусан, саноат – 8,5 фоизга, хизматлар – 8,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 1,8 фоизга, қурилиш эса 0,1 фоизга ўсган. 2021 йилнинг июнь ойидаги йиллик инфляция даражаси 10,9 фоизни (сўнгги 4 йилдаги энг паст кўрсаткич) ташкил этди. Бунда озиқ-овқат гуруҳи бўйича йиллик инфляция даражаси нисбатан юқори – 14,7 фоиз даражасида сақланмоқда. Ҳисобот даврида ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари йиллик ҳисобда 8,2 фоизга ўсган бўлса (ўтган йилнинг мос даврида 9,4 фоиз), аҳолига пуллик хизматлар тарифлари ўзгариши эса йиллик ҳисобда 8,1 фоизни ташкил этди (ўтган йилнинг мос даврида 12,8 фоиз).

Аҳоли реал умумий даромадларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 10,8 фоизни ташкил этди. Республикада иқтисодий фаолликнинг ошиши натижасида 53 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди (ўсиш – 14 фоиз). Натижада, 2021 йил 1 июль ҳолатига келиб республикамизда

Халқаро молия институтларининг прогнозлари

Халқаро валюта жамғармасининг июль ойидаги ҳисоботида кўра, вакцинация жараёнларининг жадаллашуви ҳисобига 2021 йилда жаҳон иқтисодиётидаги ўсиш суръатлари йил бошидаги прогнозларга (5,5 фоиз) нисбатан тезроқ суръатларда тикланиши ва 6 фоизни ташкил этиши баҳоланган. Бунда, ривожланган давлатларда ўсиш суръати 5,6 фоиз (январь ойидаги прогноз – 4,3 фоиз), ривожланаётган давлатларда – 6,3 фоиз (6,3 фоиз) ва кам даромадли мамлакатларда – 3,9 фоизни (5,1 фоиз) ташкил этиши кутилмоқда. Шунингдек, дунёда вакцина ишлаб чиқариш қувватларининг етарли эмаслиги (i) ривожланаётган ва ривожланиши паст бўлган давлатлар орасида вакцинация жараёнларининг нотекис тақсимланиши ҳамда (ii) улардаги фискал имкониятларининг чекланганлиги глобал иқтисодий ўсиш суръатларига хавф солувчи асосий хатар сифатида қаралмоқда. Жаҳон банкининг июнь ойидаги ҳисоботида кўра, ривожланган давлатларда вакцинация ва фискал имкониятларнинг кенглиги ҳисобига жаҳон иқтисодиёти 5,6 фоизга ўсиб, дастлабки прогнозларга

Фискал сиёсат

- Ҳисобот даврида, давлат бюджети даромадлари – 74,8 трлн сўми, харажатлари – 79,3 трлн сўми ташкил этиб, давлат бюджети тақчиллиги 4,5 трлн сўм даражасига етди. 2021 йил якуни билан давлат бюджети харажатлари (ФРРУ ва бошқа мақсадли жамғармаларсиз) ЯИМга нисбатан 21 фоиз прогноз қилинган бўлса, жорий йилнинг I ярмида бу кўрсаткич 25 фоизни ташкил этиб, ялпи талабни оширувчи омил сифатида хизмат қилди. Бюджет харажатлари таркибида ижтимоий харажатлар 40,4 трлн сўми (ўсиш – 16,6 фоиз), шундан ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари – 5,2 трлн сўми (61,6 фоиз), Пенсия жамғармасидан тўловлар – 17,1 трлн сўми (12 фоиз) ташкил этиши ялпи истеъмол ошишига хизмат қилди. Давлат бюджетидан иқтисодиётга харажатлар 7,8 трлн сўми ташкил этиб (ЯИМга нисбатан 2,5 фоиз), ўтган йилнинг мос даврига (11,5 трлн сўм) нисбатан 32,2 фоизга камайган. Шу билан бирга, марказлашган инвестицияларни молиялаштириш учун 11 трлн сўм миқдоридаги маблағлар йўналтирилиб, номинал ўсиш суръати 82,6 фоизни ташкил этди. 2021 йил июнь ҳолатига аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида 493,2 минг аҳолига жами 250,2 млрд сўмлик хизматлар кўрсатилган. Мазкур маблағларнинг 154,6 млрд сўми (61,8 фоиз) бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ҳамда 95,5 млрд сўми (38,2 фоиз) жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Аҳолининг шахсий томорқасини ривожлантириш учун 14,5 минг жисмоний шахсларга жами 36,4 млрд сўм миқдорида (хусусан, тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш учун – 698,6 млн сўм, меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар сотиб олишга – 254 млн сўм ва “Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадалли тўловларга – 53,3 млн сўм) субсидия маблағлари ажратилган.

Пул-кредит сиёсати

- Иқтисодиётга ажратилган кредит қўйилмалари йил бошига нисбатан 8,7 фоизга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоизга ўсиб, ЯИМ номинал ҳажмининг йиллик ҳисобдаги 19,7 фоизлик ўсишига нисбатан юқорироқ бўлди.
- Ипотека бозорида тижорат банклари томонидан аҳолига жами 1,7 трлн сўмлик ипотека кредитлари ва 87,4 млрд сўмлик субсидиялар ажратилгани талабни рағбатлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. Шу билан бирга, 2021 йил 1 июль ҳолатига: - жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи 62 трлн сўмни ташкил этиб, йил бошига 12,6 фоизга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,4 фоизга кўп; - фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга – 8,0 трлн сўм, йил бошига нисбатан 21 фоизга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 фоизга кўп; - бошқа тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами кредитлар қолдиғи 72,5 трлн сўм, йил бошига нисбатан 3,6 фоизга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16 фоизга кўп.

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ 2021 ЙИЛ ВА 2022-2023 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ нархлар барқарорлигини ҳамда банк ва тўлов тизимлари барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадидан келиб чиқади

2020 йилда жаҳон иқтисодиёти ва мамлакатимизда пандемия ҳамда унга қарши кўрилаётган чоралар иқтисодиётга турли даражадаги тебраниш ва таъсирлар кўрсатди. Пандемиянинг давом этаётганлиги ва вируснинг тарқалиши фонида ташқи ва ички иқтисодий шароитларда **ноаниқликлар даражаси** янада ортмоқда.

Ушбу ноаниқликларнинг юқорилиги ва таъсир каналларининг турличалигини инобатга олиб, макроиқтисодий ривожланиш прогнозлари 3 хил – **асосий, тезкор иқтисодий тикланишга (оптимистик) ва ташқи иқтисодий хатарлар кучайишига (хатарли) асосланган муқобил сценарийларда** ишлаб чиқилди

Марказий банкнинг 2021-2023 йиллар учун макроиқтисодий
прогнозлари бўйича сценарийлари

Асосий сценарий

Макроиқтисодий ривожланиш сценарийлари хусусиятлари ва кутилаётган
ўзгаришлар

Пандемия билан боғлиқ вазият босқичма-босқич яхшиланади, вирусга қарши вакцина ва дорилар 2022 йилдан бошлаб жорий қилинади, аҳоли ва бизнес вакиллари ўз фаолиятларини пандемия ва ундан кейинги шароитларга мослашган ҳолда давом эттирадilar.

Асосий савдо ҳамкорлар иқтисодиётининг бир маромда тикланиши ҳисобига ташқи талаб 2022 йил II ярим йиллигидан бошлаб инқироздан олдинги даражасига етади.

Олтин нархи нисбатан барқарор, секин суръатларда пасайиб боради.

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари 2021 йил охирида инқироздан олдинги даражага яқинлашади, 2023 йилнинг I ярим йиллигига келиб иқтисодиёт ўзининг потенциал трендига даражасигача чиқади.

Бюджет даромадлари тикланиб бориб, 2023 йилда йиғма бюджет дефицити (ЎТТЖ ҳисобга олинмаганда) 2 фоизгача пасаяди.

Тартибга солинадиган нархлар эркинлаштирилиши жараёни 2022-2023 йилларда амалга оширилади.

Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган жадал иқтисодий тикланишга
асосланган
муқобил сценарий (оптимистик сценарий)

Макроиқтисодий ривожланиш сценарийлари хусусиятлари ва кутилаётган ўзгаришлар

Пандемия билан боғлиқ вазият тез суръатларда яхшиланади, карантин чоралари жорий этилмайди ҳамда вирусга қарши вакцина ва дорилар 2021 йилнинг II ярмидан кенг жорий қилинади.

Асосий савдо ҳамкорлар иқтисодиётининг бир маромда тикланиши ҳисобига ташқи талаб 2021 йил II ярим йиллигида инқироздан олдинги даражасига етади.

Жаҳон иқтисодиёти тикланиб боргани сари олтин нархи пасайиб боради.

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари 2021 йил ўртасида инқироздан олдинги даражага яқинлашади, иқтисодиёт ўзининг потенциал трендигача 2022 йилнинг охирида тикланади. Транспорт, хизматлар ва туризм соҳаларида ўсиш суръатлари жонланади.

Бюджет даромадлари харажатларига нисбатан тезкор суръатларда ўсиб боради ва йиғма бюджет дефицити 2022 йилда 2 фоизгача қисқаради.

Тартибга солинадиган нархлар эркинлаштирилиши жараёни 2022-2023 йилларда мантиқий якунига етказилади ва ушбу соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинишига шароит яратилади.

**Ташқи иқтисодий хатарлар кучайишига асосланган
муқобил сценарий (хатарли сценарий)**

**Макроиқтисодий ривожланиш сценарийлари хусусиятлари ва кутилаётган
ўзгаришлар**

**Жаҳонда пандемия билан боғлиқ вазият кескинлашиб боради ва глобал ёпилиш
2021-2022 йилда ҳам давом этади.**

**Асосий савдо ҳамкорлар иқтисодиёти тикланиши секинлашади, ташқи талаб 2023
йил II чорагига келиб инқироздан олдинги даражасига етади.**

Хавфсиз актив сифатида олтин нархининг ўсувчи динамикаси сақланиб қолади

**Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари 2022 йил охирида инқироздан олдинги даражага
яқинлашади, иқтисодиёт ўзининг потенциал тренди даражасига 2023 йил охирида
бориб етади.**

**Бюджет харажатлари юқориликча сақланиб қолади ва 2021-2022 йилларда йиғма
бюджет дефицити 6-7 фоиз атрофида шаклланади.**

**Тартибга солинадиган нархлар эркинлаштирилиши жараёни 2023 йилдан кейинги
муддатларга қолдирилиш эҳтимоли ошади.**

Асосий сценария прогнозлари

Кўрсаткичлар	2019 (факт)	Асосий сценария прогнозлари (йиллик ўсиш, фоизда)			
		2020	2021	2022	2023
Йиллик инфляция даражаси	15,2	11-12,5	9-10	10-11	5
ЯИМ реал ўсиши	5,6	1-1,5	4,5-5,5	5-6	5-6,5
Якуний истеъмол харажатлари ўсиши	6,6	0,5-1,5	4,3-5,3	4,1-5,1	2,7-3,7
- уй хўжаликлари	6,8	0,4-1,4	4,5-5,5	4,6-5,6	3-4
Асосий капиталга инвестициялар ҳажми ўсиши	33,9	1,4-3,4	2-4	2,5-4,5	3,5-5,5
- марказлашган инвестициялар	20	4-6	2,5-4,5	-(4,5-6,5)	-(2,5-4,5)
- марказлашмаган инвестициялар	39,8	1-3	1,5-3,5	5-7	6-8
Экспорт ҳажми ўсиши	24,8	-(10-14)	8-10	10-12	12-14
Импорт ҳажми ўсиши	25	-(8-12)	6-8	4-6	5-7
Кредит қўйилмалари қолдиғи ўсиши	54,5	28-29	20-22	17-19	18-20

Этиборларингиз учун рахмат!